

Ўзбекистон Республикаси
Одил судлов академияси Кенгашининг
2026 йил 19 мартдаги қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясига ходимларни
ишга қабул қилиш тартиби ҳақидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–141-сон ва 2025 йил 24 ноябрдаги “Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг самарадорлиги ва очиклигини ошириш ҳамда суд мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–227-сон фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси (кейинги ўринларда – Академия)га профессор-ўқитувчилар, бошқарув ҳамда илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар (кейинги ўринларда – ходимлар)ни ишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Академияга ходимларни ишга қабул қилиш, уларни жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш ва кадрлар захирасини шакллантириш ишларига умумий раҳбарлик Академия ректори томонидан амалга оширилади.

Ходимларни ишга қабул қилишни ташкил этиш ва тегишли лавозимларга расмийлаштириш ишлари Академиянинг Кадрлар бўлими томонидан амалга оширилади.

3. Академияга профессор-ўқитувчиларни саралаб олиш Академия Кенгаши томонидан, бошқарув ва ўқув-ёрдамчи ходимларни саралаб олиш Академия ректорининг тегишли буйруғи билан тасдиқланадиган Академияга ходимларни ишга қабул қилиш бўйича танлов комиссияси (кейинги ўринларда – танлов комиссияси) томонидан амалга оширилади.

Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни ишга қабул қилиш танловсиз тегишли номзодларнинг аризаси асосида амалга оширилади. Агар битта вакант жой учун бир неча номзод ариза топширса, уларнинг ичидан энг мақбул номзод Академия ректори ўтказадиган суҳбат натижасида ишга қабул қилинади.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Академия ходимлари – тасдиқланган штатлар жадвалига кирувчи раҳбарият, профессор-ўқитувчилар, бошқарув ҳамда илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар;

раҳбарият таркиби – ректор ва проректорлар;

профессор-ўқитувчилар – кафедра мудири, профессори, доценти ва ўқитувчилари, шунингдек, профессор ва доцент вазифасини бажарувчилар;

бошқарув ходимлари – декан, бўлим бошлиғи, бош бухгалтер, матбуот хизмати раҳбари, таркибий бўлимлар бош мутахассислари, девонхона ва архив мудири;

ўқув-ёрдамчи ходимлар – кафедраларнинг кабинет мудирлари;

техник ходимлар – иш юритувчи котиблар, кутубхоначи;

хизмат кўрсатувчи ходимлар – омборчи, сантехник, электрик, дурадгор, ёрдамчи ишчи ва фаррошлар;

танлов – бўш лавозимнинг малака талабларига мувофиқ келадиган Академияда ишлаш истаги бор шахсларни танлаб олиш тартиб-тамойили;

номзод – Академиядаги бўш (вакант) бўлган муайян иш ўрнини (лавозимни) эгаллаш учун танловда иштирок этиш истагини билдирган шахс;

малака талаблари – номзодларга нисбатан иш берувчи томонидан белгиланадиган, маълумоти ва билимига, иш тажрибасига, касбий маҳоратига ҳамда ишчанлик сифатига доир талаблар.

5. Академиянинг барча ходимлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг қарор ва буйруқларига, шунингдек, Академиянинг ички ҳужжатларига ҳамда меҳнат шартномасига мувофиқ олиб боради.

2-боб. Академияга ходимларни ишга қабул қилиш бўйича умумий талаблар

6. Академияга меҳнатга оид ҳуқуқ ва муомала лаёқатига, тегишли маълумот ва билимга, иш тажрибасига, касбий маҳоратга ҳамда ишчанлик сифатига эга шахслар танлов асосида ишга қабул қилинади.

Академиянинг ходимлари тегишли малака талабларига жавоб берган тақдирда Академия ректори буйруғи билан юқорироқ лавозимга танловсиз ишга қабул қилинишлари мумкин.

7. Академиянинг проректорлари Судьялар олий кенгаши раиси билан келишилган ҳолда Академия ректори томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчилари Академия Кенгашининг (кейинги ўринларда – Кенгаш), бошқарув ва ўқув-ёрдамчи ходимлар Танлов комиссиясининг тавсиясига асосан ишга қабул қилинади.

8. Қуйидаги шахсларни Академияга ишга қабул қилиш тақиқланади:

ўзаро яқин қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар (ота-она, ака-укалар, опа-сингиллар, фарзандлар, эр-хотин, шунингдек, эр-хотиннинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунishiга ёки унинг назорати остида бўлишига боғлиқ бўлса;

танловда иштирок этиш ёки ишга кириш учун сохта ҳужжатлар тақдим этган шахслар.

3-боб. Ишга қабул қилишда ходимларга қўйиладиган талаблар

9. Академия профессор-ўқитувчилари таркибига нисбатан талаблар:

Кафедра мудир олий юридик маълумотга эга бўлиши, профессор ёки доцент илмий унвонига, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига, юридик ихтисослиги бўйича камида ўн икки йил (шундан суд фаолияти ихтисослиги кафедрасига номзод, қоида тариқасида, судьялик лавозимида камида беш йил) иш стажига эга бўлиши;

кафедра профессори олий юридик маълумотга эга бўлиши, профессор илмий унвонига ва фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасига, шунингдек тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига, юридик ихтисослиги бўйича, қоида тариқасида, камида ўн йил (шундан суд фаолияти ихтисослиги кафедрасига номзод, қоида тариқасида, судьялик лавозимида камида беш йил) иш стажига эга бўлиши;

кафедра доценти олий юридик маълумотга эга бўлиши, доцент илмий унвонига, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасига, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига, юридик ихтисослиги бўйича, қоида

тариқасида, камида етти йил (суд фаолияти ихтисослиги кафедрасига номзод, қоида тариқасида, камида беш йил судьялик лавозимида) иш стажига эга бўлиши;

кафедра ўқитувчиси олий юридик маълумотга (магистр дипломига) эга бўлиши, юридик ихтисослиги бўйича, қоида тариқасида, камида етти йил (суд фаолияти ихтисослиги кафедрасига номзод, қоида тариқасида, камида беш йил судьялик лавозимида) иш стажига эга бўлиши лозим.

10. Академия бошқарув ходимларига нисбатан талаблар:

Академия декани, ўқув-услубий бўлим бошлиғи олий юридик маълумотга (магистр дипломига), қоида тариқасида фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига, юридик ихтисослиги бўйича камида беш йил, шундан қоида тариқасида, камида уч йил ўқув бўлими бошлиғи, ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, декан, ўқув ишлари бўйича проректор лавозимларидан бирида иш стажига эга бўлиши;

Матбуот хизмати раҳбари ҳамда Ахборот-техникавий таъминот ва масофавий ўқитиш бўлими бош мутахассиси тегишли олий маълумотга эга бўлиши, ихтисослиги бўйича камида уч йил иш стажига эга бўлиши;

Академия таркибий бўлимларининг бош мутахассислари олий юридик маълумотга эга бўлишлари, юридик ихтисослик бўйича камида уч йил иш стажига эга бўлиши;

Халқаро ҳамкорлик бўлими бош мутахассиси рус ва инглиз тилларини мукаммал билиши;

Академиянинг бош бухгалтери ва бош мутахассиси - мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлиши ҳамда ихтисослиги бўйича камида 3 йил иш стажига эга бўлиши талаб этилади.

11. Академиянинг кабинет мудири, кутубхоначиси, иш юритувчи-котиби олий ёки ўрта-махсус маълумотга эга бўлиши, лавозими бўйича вазифаларни амалга оширишга қобилияти мавжудлиги талаб этилади.

12. Қўйидагилар Академияга ишга қабул қилиниши мумкин эмас:

жиноят содир этганликда айбланаётган шахс;

илгари судланган ёки ўзига нисбатан жиноят иши реабилитация қилмайдиган асослар бўйича тугатилган шахс;

чет давлат фуқаролигига эга бўлган ёки чет давлат ҳудудида доимий яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи яшаш гувоҳномасига ёхуд бошқа ҳужжатга эга бўлган шахс;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб эътироф этилган шахс;

психиатрия ёки наркология муассасаларида ҳисобда турган шахс;

хизмат вазифасини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликка чалинган ёки жисмоний нуқсонга эга бўлган шахс.

13. Танловда иштирок этиш учун тақдим қилинган ҳужжатлар ишга қабул қилишда ходимларга қўйиладиган ушбу низом талабларига жавоб бермаса, номзод танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Танловдан ўта олмаган номзодлар бир йилдан сўнг қайта танловларда иштирок этиши мумкин.

4-боб. Ишга қабул қилиш чоғида танловни ташкил этиш ва ўтказиш

14. Танлов Академиядаги бўш (вакант) иш ўрни учун муносиб номзодларни танлаш мақсадида ташкил этилади ва ўтказилади.

Танловни сифатли ва холис ўтказилишини таъминлаш мақсадида профессор-ўқитувчилар учун Академия Кенгаши томонидан, бошқарув ва ўқув-ёрдамчи ходимлар учун Танлов комиссияси томонидан танловлар ўтказилади.

15. Танлов комиссияси таркиби Академия ходимлари орасидан етти кишидан иборат таркибда ректорнинг буйруғи билан шакллантирилади.

Академиянинг Кадрлар бўлими бош мутахассиси Танлов комиссияси котиби ҳисобланади.

16. Академия Кенгаши ва Танлов комиссияси унинг аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Академия Кенгаши ва Танлов комиссияси аъзоси номзод ўзининг яқин қариндоши ёки у танловнинг натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган ёхуд танловнинг ҳолис ўтказилишига таъсир кўрсатадиган ҳолатда овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас. Мазкур ҳолат кейинчалик аниқланган ҳолларда танлов натижаси бекор қилиниши мумкин.

17. Академия Кенгаши ва Танлов комиссияси томонидан номзодлардан фақат оғзаки суҳбат шаклида танлов ўтказилади. Бунда Академия Кенгаши ва Танлов комиссияси аъзоси ҳар бир номзоднинг билимини белгиланган баллар доирасида баҳолайди. Номзоднинг баҳоси ҳар бир аъзонинг қўйган балларини қўшиб, аъзолар сонига бўлиш натижасида ҳосил бўлган ўртача балл орқали аниқланади.

18. Танлов натижалари Академия Кенгаши ва Танлов комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Баённома Академия Кенгаши ва Танлов комиссиясининг раиси ва котиби томонидан бир кунлик муддатда имзоланади.

19. Кадрлар бўлимининг мажбуриятлари:

номзоднинг ҳужжатларини қабул қилиш ва уларни ўрганиб чиқиш;

номзоднинг шахсга доир маълумотларини унинг розилигисиз ошкор қилмаслик;

танловни ўтказиш вақтини белгилаш, бу ҳақда номзодлар ва комиссия аъзоларини хабардор қилиш;

тест синовлари ва оғзаки суҳбат саволларини тайёрлаш;

танловни ташкил этиш ва унинг натижаларини ҳисоблаб чиқиш;

танлов натижаларини эълон қилиш.

20. Танлов қуйидаги босқичлардан иборат:

профессор-ўқитувчилар учун: тест ва муайян мавзу бўйича тақдимот қилиш;

бошқарув ва ўқув-ёрдамчи ходимлар учун: тест ва оғзаки суҳбат ўтказиш.

21. Кадрлар бўлими томонидан танлов тадбирлари ўтказилишидан камида 20 кун олдин Академиянинг расмий веб-сайти ва телеграм канали ва бошқа ижтимоий тармоқларида бўш (вакант) иш ўринлари учун танлов эълон қилинади.

Эълонда бўш (вакант) иш ўрни ва унга қўйиладиган малака талаблари, ҳужжатларни тақдим этиш муддати ва тартиби кўрсатилади.

Номзодга танлов ўтказиш жойи ва куни ҳақида қўшимча хабар берилади.

22. Номзодлар Академияга мазкур Низом билан тасдиқланган шаклдаги ариза билан ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади (1-иловага мувофиқ).

23. Номзод томонидан ариза ва маълумотлар мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ тақдим этилмаган бўлса ёки аризада тегишли маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган ёхуд нотўғри кўрсатилган бўлса, Кадрлар бўлими томонидан номзодга камчиликларни бартараф этиб, қайта мурожаат қилиш мумкинлиги тўғрисида ушбу ариза келиб тушган кундан эътиборан икки иш куни ичида телефон орқали ёки электрон шаклда маълум қилинади.

Номзодлардан ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугаган кундан эътиборан етти иш куни ичида унда кўрсатилган маълумотлар ўрганиб чиқилади.

24. Номзодларни танлашда уларнинг иш тажрибаси, касбий тайёргарлиги, ишчанлик сифати ва мавжуд бўш лавозимга қўйилган малакавий талабларга мувофиқлиги, шунингдек билим салоҳияти ва имкониятлари ҳисобга олинади.

25. Танловга ариза топширган шахсларнинг ишчанлик сифати Кадрлар бўлими томонидан ўрганилади ва ўрганиш натижасига кўра Академия проректори томонидан

тасдиқланадиган ижобий хулоса мавжуд бўлгандагина танловда иштирок этишга чақирилади. Ишчанлик сифатини ўрганиш жараёнида тегишли муассасалардан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлардан маълумотлар сўраб олиниши мумкин.

26. Агар танловда иштирок этиш учун фақат бир номзод ҳужжат топширган бўлса, танлов ўтказилмайди ва бўш (вакант) жой учун қайта танлов эълон қилинади. Бундан профессор-ўқитувчи лавозими учун танловга бир нафар амалдаги судья ҳужжат топширган ҳолатлар мустасно ҳисобланади.

27. Тест синовлари “рандом” тизими асосида саволлар шакллантириладиган электрон шаклда (компьютерда) ўтказилади.

Тест синовлари 40 та саволдан иборат бўлиб, ҳар бир тўғри жавоб 1 балл билан баҳоланади. Тест синови умумий 40 балл асосида баҳоланади. Бунда камида 24 балл тўплаган номзод навбатдаги синов босқичига киритилади.

28. Профессор-ўқитувчилар ва кафедра мудирлари лавозимларини эгаллаш учун танловнинг навбатдаги – тақдимот қисми кўпи билан 20 дақиқалик очик дарс машғулотини ўтказиш орқали ташкил этилади.

Бошқарув ва ўқув-ёрдамчи лавозимларини эгаллаш учун танловнинг навбатдаги – суҳбат ўтказиш қисми камида 3 та саволдан иборат билетга жавоб бериш шаклида амалга оширилади.

29. Танлов тадбирлари ўтказилаётган хонага номзодлар томонидан мобил алоқа воситаси, компьютер ёки бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, китоб, луғат, шпаргалка ва бошқа материаллар олиб кириш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек, бошқа номзодлар билан суҳбатлашиш тақиқланади.

Ушбу тақиқланган материалларни олиб кирган ёки фойдаланган, шунингдек танлов тадбирлари вақтида бошқа номзодлар билан суҳбатлашган номзод танлов ўтказиш тартибини бузган деб ҳисобланади ва далолатнома асосида танлов тадбирларидан четлаштирилади.

30. Тақдимот ва суҳбат натижалари умумий 60 балл асосида баҳоланади ва баҳолаш мезонлари 2-илова ва 3-иловага мувофиқ тасдиқланади. Бунда камида 36 балл тўплаган номзод иккинчи синов босқичидан ўтган ҳисобланади.

31. Танлов натижасига кўра юқори балл, лекин камида 60 балл тўплаган номзод баллар кетма-кетлигига кўра танлов ғолиби ҳисобланади. Танловда иштирок этганлардан ҳеч бири 60 балл тўплай олмаса, танлов ўтмаган деб топилади ва тегишли лавозим учун янгидан танлов эълон қилинади.

32. Танловда иштирок этган номзодларга танловдан ўтган-ўтмаганликлари маълум қилинади. Номзодлар уларнинг ёзма мурожаати асосида ўзларига тегишли бўлган танлов натижалари билан танишишлари мумкин.

33. Профессор-ўқитувчилар ва кафедра мудирлари лавозимларини эгаллаш учун танлов натижаси бўйича бир хил балл тўпланганда номзодларнинг ахборот-коммуникацион технологиялар ва кўргазмали материаллардан самарали фойдаланиши, хорижий тилларни билиши, миллий ва халқаро даражадаги нашрларда илмий ишлари чоп этилганлиги ва бошқа кўникмаларга эгалига устуворлик берилади.

34. Танлов комиссиясининг танлов натижаларидан норози бўлган номзод танлов натижаси эълон қилинганидан 3 иш куни ичида Академия ректори номига шикоят бериши мумкин. Мазкур муддатни узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юбориб киритилган шикоят кўриб чиқилмайди.

Шикоят кўриб чиқилгунга қадар танловга қўйилган лавозим бўйича меҳнат шартномасини тузиш тўхтатиб турилади.

Танлов бўйича Академия Кенгашининг қарори устидан шикоят берилмайди.

35. Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича Академия ректори танловни бекор қилиб, уни янгидан ўтказиш тўғрисида ёки шикоятни қаноатлантиришни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

5-боб. Яқуний қоидалар

36. Танлов натижасига кўра лавозимга тавсия қилинган шахс билан танлов яқунлангандан сўнг икки ҳафтадан кечиктирмасдан меҳнат шартномаси тузилади.

Агар ушбу муддатда иш берувчи билан ходим ўртасида меҳнат шартномаси тузилмаса, ушбу лавозимга умумий асосларда қайта танлов эълон қилинади.

37. Судьялик лавозимидан Академияга профессор-ўқитувчи сифатида ишга қабул қилинган судьялар билан икки ўқув йили муддатига меҳнат шартномаси тузилади. Бунда, судьянинг аризасига кўра меҳнат шартномаси бир марта яна икки йил муддатга узайтирилиши мумкин. Профессор-ўқитувчи лавозимидан судьялик лавозимига қайтган ходимлар, қоида тариқасида, икки йиллик муддатдан сўнг Академия профессор-ўқитувчиси лавозимига танловда иштирок этиши мумкин.

Бунда рейтинг кўрсаткичи “қониқарсиз” баҳоланган профессор-ўқитувчининг огоҳлантирилганидан сўнг фаолияти такроран “қониқарсиз” баҳоланиши у билан тузилган меҳнат шартномасини муддатидан олдин бекор қилинишига асос бўлади.

38. Ишга кираётган шахс меҳнат шартномаси имзолангунига қадар ишнинг мазмуни, меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган иш бажариладиган меҳнат шaroитлари, ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномаси, унинг меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ички ҳужжатлар билан таништирилади.

39. Номзодларни ишга қабул қилиш меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда ректор ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ҳамда буйруқ асосида расмийлаштирилади.

Танлов натижасига кўра судьялик лавозимидан Академиянинг кафедра мудури ёки профессор-ўқитувчиси лавозимига тавсия қилинган номзод белгиланган тартибда Олий Мажлис Сенатининг қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши, Судьялар олий кенгашининг қарори билан судьялик лавозимидан озод қилинган, у билан меҳнат шартномаси тузилади.

40. Академиядаги фаолияти тугашига уч ой қолганида судьяни муқаддам ишлаган судьялик лавозимига тайинлаш учун Академия ректори томонидан Судьялар олий кенгашига ёзма билдирги тақдим этилади.

Судьялик лавозимидан Академияга профессор-ўқитувчи сифатида ишга қабул қилинган судья билан меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган ҳолларда бу ҳақида Судьялар олий кенгашига дарҳол хабар берилади.

41. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низоли ҳолатлар Академия Устави, ички меъёрий ҳужжатлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

42. Низом Академия Кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

43. Мазкур Низомга Академия Кенгашининг қарорига мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Одил судлов академиясига
ходимларни ишга қабул қилиш
тартиби ҳақидаги Низомга
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Одил
судлов академияси ректори
_____ (Ф.И.Ш.) га

_____ (вилоят, шаҳар)

_____ (тумани/шаҳри)

_____ (МФЙ/ҚФЙ/ОФЙ)

_____ (кўчаси)

_____ (уй/хонадон)да

яшовчи

_____ (Ф.И.Ш.)дан

Телефон: _____

АРИЗА

Мени Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси томонидан
_____ лавозимига эълон қилинган танловда иштирок этишимга
рухсат беришингизни сўрайман.

(Ф.И.Ш.)

(сана)

(имзо)

Ўзбекистон Республикаси
Одил судлов академиясига
ходимларни ишга қабул қилиш
тартиби ҳақидаги Низомга
2-ИЛОВА

Одил судлов академияси кафедралари мудири ва ўқитувчиси учун бўш лавозимларга
танлов бўйича очиқ машғулотларни
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Фаннинг номи: _____

Талабгорнинг исми, фамилияси: _____

Машғулот мавзуси: _____

№	Баҳолаш мезонлари	Энг юқори балл	Баҳолаш балли
1.	Мавзунинг Одил судлов академияси таълим дастурларига мувофиқлиги	4	
2.	Маъруза тузилиши ва матнига оид материалларнинг мавжудлиги а) режа, кириш, асосий, хулоса қисмлари – 0-3 балл; б) назорат саволлари, кейслардан фойдаланиш, адабиётларнинг мавзуга алоқадорлиги – 0-3 балл;	6	
3.	Машғулот давомида замонавий таълим технологияларидан фойдаланиши а) слайд, кўргазмалар материаллар – 0-4 балл; б) аудитория билан мулоқот ўрнатиш – 0-3 балл; в) кейслар билан ишлаш – 0-3 балл.	10	
4.	Ҳуқуқий (касбий) атамаларни ўз ўрнида ва тўғри қўллай олиши	5	
5.	Маърузачининг нотиклик маҳорати	5	
6.	Мавзу моҳиятининг очиқ берилиши: а) мавзу бўйича асосий масалаларни ёритганлик даражаси – 0-5 балл; б) фойдали маълумот ва янги билимларни бера олганлик даражаси – 0-5 балл;	10	
7.	Маърузада ҳуқуқни қўллашни тушунтиришга эътибор қаратилганлиги	10	
8.	Фикрларини суд амалиёти билан асослаш салоҳияти	5	
9.	Қўшимча саволларга берган жавоблари	5	
	Жами	60	

Балл _____

Текширувчининг исми, фамилияси _____

(имзо)

Ўзбекистон Республикаси
Одил судлов академиясига
ходимларни ишга қабул қилиш
тартиби ҳақидаги Низомга
З-ИЛОВА

Талабгорнинг суҳбат натижалари

Талабгорнинг Ф.И.Ш. _____

Билет № _____

№	Суҳбат	Энг юқори балл	Баҳолаш балли
1.	1-савол	15	
2.	2-савол	15	
3.	3-савол	15	
4.	Қўшимча савол	15	
	Жами	60	

Комиссия аъзоси хулосаси: _____
(тавсия этилди / тавсия этилмади / кадрлар захирасига киритилади)

Комиссия аъзоси: